

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
27-may
chorshanba
№ 21 (1499)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

www.uzhurriyat.uz



hurriyatuz@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни бугунги улуғ айём – муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Тинчлик, меҳр-оқибат ва саховат байрами – Йид ал-Адҳа муқаддас динимиз моҳиятида мужассам бўлган эзгу ғоя ва амалларни яққол ифода этган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда инсонпарварлик руҳида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг маъно-мазмунига уйғун ва ҳамоханг экани билан барчамиз учун янада азиз ва қадрли бўлиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, кўп миллатли юртимизда оқийшталик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтож инсонлар, муҳтарам нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва хонадонларни обод қилишга қаратилган ишларимизда Қурбон ҳайитининг эзгу аъёналари куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданий қадриятларини, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий меросини, ислом динининг асл моҳиятини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг қанчалар ҳалқимиз ва юртимиз меҳмонлари учун ўз эшик-

ларини очган азим пойтахтимиздаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Марғилон шаҳридаги Бурхониддин Марғиноний илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби Янги Ўзбекистон мўъжизалари бўлган ноёб обидалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги муҳим тарихий қадамлар бўлиб, улар бизни янада катта сафарбарлик билан ҳаракат қилишга даъват этади.

Ҳурматли дўстлар!

Юртимизда диний эътиқод эркинлигини таъминлаш учун яратиб берилган қулай шароитлар туфайли ушбу мунаввар кунларда 15 мингдан зиёд ватандошларимиз муқаддас Ҳаж амалларини адо этмоқда. Бу йил тарихимизда илк марта “Президент ҳожимиз” дастури жорий этилганидан хабарингиз бор. Ушбу дастурга мувофиқ, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилган 100 нафар юртдошимиз – уламолар, нурунийлар, маҳалла фахрийлари ҳамда уларнинг оила аъзолари муборак Ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлдилар.

Мана шу саодатли онларда барча ҳожиларимизни Қурбон ҳайити билан қўллаб, ибодатлари қабул бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз. Муқаддас зиёратдан қайтиб келадиган бу ҳурматли юртдошларимиз эзгулик ва

маърифат тарғиботчилари сифатида оила ва маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда олиб бориладиган маънавий-тарбиявий ишларда фаол иштирок этадилар, деб умид қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги мусулмон дўстларимиз ва ҳамкорларимизга ҳам қизғин қўтловларимизни йўллаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Азиз ватандошлар!

Қурбон ҳайити муносабати билан бу йил ҳам бир неча кундан иборат дам олиш кунлари белгиланди. Байрам кунларида ҳам элимиз хизматида, Ватан сарҳадларида ўз вазифасини масъулият билан адо этаётган юртдошларимизга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Чет элларда таҳсил олаётган ва ишлаётган ватандошларимизни ҳам самимий табриклаб, уларнинг барчасига эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Эл-юртимизни шундай қўтлуғ айёмга тинчлик-омонликда ва ҳамжиҳатликда етказгани учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Илоҳим, Яратган парвардигор эл-юртимизни ўз паноҳида асрасин!

Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ҚАДРИЯТ

Қурбон ҳайити яқинлашиши билан қишлоқ ва маҳаллаларда ўзгача ғайз сезилади. Ҳовлилар супурилиб, тандирлар қиздирилиб, нон ёпилади, ўчоқда ош дамланади. Атрофни нон иси эгаллайди. Ҳали тонг отмасиданоқ маҳаллани табкир садолари, кўни-кўшиларнинг байрамона шовқини чулғаб олади.

Ҳар гал Қурбон ҳайити келиши билан болалигимнинг энг беғубор кунларини эслайман. Эрта тонгда уйғониб, ҳовли ва кўчаларга сув сепиб супурганларимиз хануз кўз ўнгимда. Биз — укаларим билан бобом, дадам ва амакиларимнинг ҳайит намозидан қайтишни интизорлик билан кутардик. Қўлимизда кичик халтача, кўнглимизда эса беғубор ҳаяжон...

Улар кириб келишлари билан хонадонга байрамнинг ҳақиқий руҳи ёйиларди. Бобомнинг дўпписи, даданинг оқ кўйлаги, амакиларимнинг қувноқ чехраси — барчаси ҳайитнинг ажралмас манзараси эди. Кейин эса бизга “ҳайитлик” тарқатиларди. Ҳолва, хўроққанд, турли ширинликлар ва энг муҳими — “ҳайит қарз”.

Жиззах вилоятида қадимдан сақланиб келаётган “ҳайит қарз” удумининг ўзига хос маънавий аҳамияти бор. Катталар болаларга байрам муносабати билан пул ёки совға беради, бу эса нафақат қувонч, балки меҳр ва эътибор рамзи ҳисобланарди. Болалар эса олган ҳайитлигини тенгдошларига кўрсатиб, қувончини яшира олмасди.

Қурбонликка аталган жонлиқ сўйилганидан кейин маҳалла янада гавжумлашарди. Яқинлар, қариндошлар ва кўни-кўшилар бир дастурхон атрофида йиғилиб, дийдорлашувлар босланарди. Катталар суҳбат қуриб, дуо қилишар, болалар эса кўчаларда шовқин-сурон кўтариб ўйнашарди.

Энг таъсирлиси, катталарнинг меҳр-оқибати эди. Бобом ва дадам маҳалладаги ёлғиз кексалар, бева-бечоралар ҳолидан хабар олар, қурбонлик гўшти ва ширинликлардан улашарди. Уша пайтларда болалик

МЕҲР ВА ДИЙДОР АЙЁМИ

онгимиз билан ҳам яхшилик қилишнинг нақадар улуғ фазилат эканини ҳис қилардик.

Қурбон ҳайити нафақат байрам, балки тарбия мактаби ҳам бўлган. Катталар “Қўшнинг тинч — сен тинч”, “Меҳр берган инсон кам бўлмайди” дея фарзандларга инсонпарварликни ўргатишарди. Бу тарбия китоб орқали эмас, амал орқали синдириларди.

Қишлоқларда ҳайит кунлари болалар учун ҳақиқий сайилга айланади. “Аргимчоқ учиб”, “чиллак”, “оқ теракми, кўк терак”, “қувлашмачоқ” каби миллий ўйинлар маҳаллага янада шодлик бағишларди. Қизлар янги кўйлақлар кийиб, сочиға рангли ленталар тақшар, ўғил болалар эса дўппи кийиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб айланишарди.

Бу ўйинлар ортида халқнинг минг йиллик руҳи, миллий маданияти ва болалиқнинг беғубор қувончи яширин эди.

Бугун замон ўзгарди. Технологиялар тараққий этди, шаҳарлар катталашди, одамлар шоқин ҳаётга кўникиб қолди. Аммо Қурбон ҳайити келиши билан инсон қалбидagi ўша илиқ туйғулар яна уйғонади. Энди кўпчилик яқинларини телефон ёки интернет орқали табрикламоқда. Бироқ байрамнинг маънавий моҳияти — меҳр, саховат ва дийдор қадри ўзгаргани йўқ.

Аслида, миллий байрам ва аъёналарни асраб-авайлаш жамият маънавий барқарорлигини мустаҳкамлайди. Айниқса, ёш авлодга ҳайитнинг асл мазмунини англатиш — бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири.

Чунки Қурбон ҳайити — шунчаки байрам эмас. У инсонларни яқинлаштирадиган, қалбларни юмшатадиган, меҳр-оқибатни улуғлайдиган улуғ айёмдир.

Эҳтимо, инсон улғайган сари болалиқдан узоқлашар. Аммо Қурбон ҳайити келиши билан ҳар қимнинг қалбидa бир бола уйғонади... Ҳовлига сув сепиб юрган, ҳайитлик қутган, бобосининг дуосига кўз тутган уша беғубор бола...

Шахноза МАМАТУРОВА
ЎЗА

АНЪАНА



Бугун бутун ислом оламида қўтлуғ байрам – Қурбон ҳайити кенг нишонланмоқда. Жамки ислом уммати учун қадрли бўлган ушбу шукўхли байрам, аввало, меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар келтирмоғи учун ҳам катта бир саодатли кунлардир. Қолаверса, ушбу байрамнинг аҳиллик, саховат ва олийжаноблик каби фазилатлари юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик тамойилларига ҳамохангдир.

Шу кунларда қанча юртдошларимиз муқаддас Ҳаж зиёратини адо этишмоқда. Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси ва ғамхўрлиги боис юз нафар фаол ва юртимизга меҳнати сингган обрў-эътиборли ватандошларимиз ҳам қўтлуғ амалларини бажаришмоқда. Улар кўрсатилган бундай марҳамат, эътибордан миннатдор бўлиб, Президентимизни, Ватанимизни, бутун халқимизни дуо қилишмоқда.

Қўйида Қурбонлик қилишнинг савоби ва амаллари ҳақида сўз юритилади.

“Кимки хурсандчилик билан, савоб умидида қурбонлик қилса, қурбонлиги унга дўзахдан парда бўлади” (Имом Табароний ривояти), дея марҳамат қилганлар суюкли Пайғамбаримиз.

Шу ўринда Жалолиддин Румий ҳазратлари “Аснавийи маънавий” асарида ажиб ҳикояни келтиради. Бир қишлоқда нихоятда ғариб, камбағал киши яшар эди. Бир йили қаҳатчилик бўлиб, қудуқ-

лар, ҳовулар қуриб қолди. Одамлар ҳолдан тойган, ҳалиги бечоранинг эса аҳволи янада оғир эди.

Бир кун хотини унга: “Бағдод халифаси нихоятда қарамли, саховатли, деб эшитганман. Унинг олдида бординг, шояд биз ҳам рўшнолик кўрсак”, деди. Эри унга: “Халифанинг ҳузурига совға-салом билан бориш керак. Бизда ҳеч вақо йўқ бўлса”, деди. Шунда хотини: “Сойда чучук сув йиғилиб қолган. Бундай ширин сув халифа ҳузурига бўлмаса керак. Уша сувдан бир идишга солиб олиб бординг”, деди. Бу фикрдан мамнун бўлган эри сувни кўзага солиб, йўлга равона бўлди. Хотин эса эрининг эсон-омон бориб келишини Яратгандан тилаб дуога қўл очди.

Эр Бағдодга етиб бориб, халифа ҳузурига кирди. Халифа ундан: “Қўлингдaги нима?” деб сўради. Ҳалиги одам “Бу жаннат суви. Бундай сувни ҳеч ким ҳеч қачон ичмаган”, деди.

Халифа хизматкорларига мусофирни бир кўза олтин билан сийлаб, дарё йўли билан уни қўзатиб қўйишни буюрди. Ҳалиги одам йўлда Дажла дарёсини кўриб, нахотки халифа шунча сув бўла туриб менинг сувимни олиб қолди ва эвазига шунча олтин берди, деб ҳайрон бўлди.

Аслида, халифа сувга муҳтож эмас эди. Бироқ у саховати туфайли мусофирнинг кўнглидаги ихлосини қадрлаш, уни шод этиш мақсадида олтин ҳадя қилди.

2-6.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ФАРҒОНА ВА НАМАНГАНДА МЕДИАҲАФТАЛИК ЮҚОРИ САВИЯДА ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида изчил давом этиб келётган медиаҳафталиқнинг навбатдаги манзили Фарғона ва Наманган вилоятлари бўлди. 18-22 май кунлари ташкил этилган медиатадбирлар журналистлар, блогерлар, “SMM” мутахассислари, мобилографлар ҳамда ёш ижодкорларни бир майдонга жамлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда вилоят ҳокимликлари ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур медиалойиҳа ОАВ учун қизғин баҳс-мунозара майдони бўлиши билан бирга уларни янги медиа соҳасидаги билимларини мустаҳкамлаш учун замин яратмоқда. Ҳафталик доирасида очиқ мулоқотлар, тренинглар, маҳорат дарслари, шунингдек, инновацион учрашувлар бўлиб ўтди.



Фарғонада бўлиб ўтган медиафорумда замонавий медиа муҳитини ривожлантириш, ҳудудий контент сифатини ошириш, ёш медиа вакилларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

4-6.

ФАОЛИЯТ



МОЛИЯВИЙ РАҚАМЛАШУВ

ёҳуд “Agrobank” янги босқичда

Мамлакатимизда молия-банк тизимини модернизация қилиш, рақамли хизматлар қўламини кенгайтириш ҳамда аҳоли ва бизнес учун қулай молиявий муҳит яратиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда “Agrobank” АТБ томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда банк тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, рақамли трансформация жараёнлари ҳамда банк хизматлари бозорини кенгайтиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан батафсил маълумот берилди. Унда банк раҳбарияти, мутахассислар, журналистлар ва блогерлар иштирокида молия-банк соҳасидаги янгиликлар ҳамда истиқболдаги лойиҳалар муҳокама қилинди.

Тадбирда банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш, миқозларга янада тезкор ва қулай хизмат кўрсатиш ҳамда сунъий интеллект технологияларини банк тизимига жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида таъкидланди. Қайд этилишича, “Agrobank” томонидан аҳолига ва тадбиркорларга мўлжалланган замонавий рақамли хизматларни кенгайтириш бўйича изчил трансформация жараёнлари амалга оширилмоқда.

3-6.

МОЛИЯВИЙ РАҚАМЛАШУВ

ёхуд “Agrobank” янги босқичда

1-6

Анжуманнинг энг муҳим янгилликларидан бири сифатида республикада илк бор мобиль платформада “эскроу” хизматининг ишга туширилгани маълум қилинди. Мазкур хизмат молиявий хавфсизликни таъминлаш, мижозлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ҳамда электрон савдо жараёнларини янада қулайлаштиришга хизмат қилади. Тадбирда банкнинг 2026 йилгача мўлжалланган стратегик ривожланиш дастури доирасида яратилган “Agrozamin Super App” рақамли экотизими ҳам тақдим этилди. Ушбу платформа кичик ва ўрта бизнес вакиллари, корпоратив мижозлар, фермер хўжаликлари ҳамда агросаноат субъектлари учун мўлжалланган бўлиб, молиявий ва номолиявий хизматларни ягона рақамли майдонда бирлаштиради.

Маълум қилинишича, келгусида платформа орқали бизнесни онлайн рўйхатдан ўтказиш, электрон ҳужжат алмашинуви, бухгалтерия ва юридик хизматлар, “CRM” тизимлари ҳамда логистика ечимларини жорий этиш режалаштирилган. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини соддалаштириш, вақт ва маблағни тежаш ҳамда комплекс хизматлардан фойдаланиш имконини яратди. Матбуот анжуманида “Agrobank”нинг “B2B” сегментидаги улушини кенгайтириш бўйича мақсадлари ҳам очиқлаб берилди. Ҳозирда банкнинг ушбу сегментдаги улуши 9 фоизни ташкил этаётгани, йил якунига қадар эса бу кўрсаткични 15 фоиздан юқори даражага етказиш режалаштирилаётгани билдирилди.



Тадбир давомида “Agrobank” ташаббуси билан ташкил этилган Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университети фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Университет Буюк Британиянинг нуфузли Ковентри университети билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини йўлга қўйган бўлиб, талабалар Ўзбекистонда тахсил олган ҳолда Британия дипломини олиш имкониятига эга. Бундан ташқари, иқтидорли талабалар учун грант асосидаги таълим имкониятлари ҳам яратилган.

Матбуот анжуманида ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган савол-

ларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар. Мутахассислар таъкидлашича, амалга оширилаётган рақамли трансформация жараёнлари банк хизматларини янада қулай, тезкор ва шаффоф қилиш билан бирга, мамлакатда рақамли иқтисодиёт ривожига ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, таълим ва кадрлар тайёрлаш йўналишидаги ташаббуслар орқали халқаро стандартларга мос мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ёшлар учун янги имкониятлар яратиш мақсад қилинган.

Фарангиз АБДУЕВА,
“Hurriyat” мухбири.

ҚУТЛОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НОГИРОНЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ПРОТЕЗЛАШ МАРКАЗИ

юртдошларимизни меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжихатлик байрами, миллий-диний қадриятларимиз тимсоли бўлган ҚУРБОН ҲАЙИТИ билан муборакбод этади.

Ўтганларни хотирлаш, тирикларни улуглаш муқаддас анъанамиздир.



ҚУТҚАРУВЧИЛАР ҲАЁТИДАН

“Ғаввослар — сув остидаги қутқарувчилар. Аммо уларни қутқарувдан кўра кўпроқ ўлимга чақирадилар. Нега деганда, сувга чўккан одам етти-ўн сонияда ўпкаси сувга тўлиб, жон таслим қилади. Шунга қарамай, ғаввосларда ҳам яхшилик билан туговчи ҳикоялар бор...”



ҲАЁТ ҚИРҒОҒИ

Қутқарувчи ўзи чиққан қақирувларни сўзлар экан, чуқур ўйга толди бир нафас. Сув остида кун-тун деган тушунча йўқ — доим қоронғилик ҳукмрон. Унда муҳофаза одами таҳминларга таяниб, атрофни пайпаслаб ҳаракатланади. Совуқ ҳавода ҳам сувга шўнғийди азаматлар. Қутқарувчи бир он нафасини ростлаб олгач, унга савол нигоҳи билан боқиб турган мухбир қизга ҳикоясини сўзлаб беришда давом этди: “Бундан ўн йиллар аввал, мен айти навқирон ғаввос бўлиб юрган кезларим, Навоий шаҳри марказидаги “Ёшлик” кўлида бўлган воқеани айтиб бераман. Нега бунга айтишни хоҳлаганимни ҳикоямнинг охирида билиб olasiz.

Одатдаги навбатчилик кўнларимнинг бири эди. Кўнлар исби бошлаганидан одамлар ўзини салқин жойларга, айнақса, сувли масканларга уради. Айнақса, оилавий ҳордиқ олишга сув бўйи айти муддао. Йигирма икки гектарлик бу жойнинг тахминан 15 гектарини сув ҳавзаси ташкил этади. Бир кунда ўнлаб воқеалар содир бўлади, сизга айтсам. Лекин айнан ҳозир айтиб берадиган ҳодиса мен учун алоҳида аҳамиятли.

Кўл атрофини кузатиб юрар эканмиз, ҳамма хотиржам, ишлар аъло бўлса ҳам, сергакликни йўқотмай, тевараник текшириб, одамларни кузатиб юрамиз. Чунки чўкаётган одам ҳар доим ҳам қичқира олмайди, ёрдам ишорасини беролмаслиги мумкин. Унинг хатти-ҳаракати қараб сезамиз ҳолатни.

Хуллас, ўшанда атрофни кўздан кечириб юрар эканман, мен турган жойдан тахминан икки юз метр узоқликда бир навқирон йигит чўкаётганини сезиб қолдим. У тинимсиз кўларини бетартиб шалопплатар, на орқага, на олдинга сузмас эди. Ўйлаб ўтирмай, югуриб бориб, ўзимни сувга отдим. Сузи боргунимча йигит кўп сув ютиб, клиник ўлим ҳолатига тушиб қолди. Йигитга етиб боргунимча ҳаракатдан тўхтади, қирғоққа олиб чиқдим — лаблари кўкарган, юрак уриши деярли сезилмас эди. Шунда ҳам таслим бўлиш йўқ, шифокорлар етиб келгунча йигитга биринчи ёрдам беришни тўхтатмадим — юрагини массаж қилиб, сунъий нафас бердим пешма-пеш. Нафасим бўғзимга тикилиб борар, танамда бир қадар чарчоқни ҳис қилардим. Ҳамманинг нигоҳи менда, тўхтаб қолсам, одамларда нафақат ваҳима, балки “Қутқарувчилар ҳам одамларни қутқара олмай қолиши мумкин экан-да”, деган ҳадик туғилиши мумкин. Шу сабаб улардаги умидни ҳеч бўлмаганда тиббиёт ходимлари келгунига қадар ушлаб туришим керак, дея ўйлардим ўзимча.

Ўзимдаги умид чарчоқ билан қоришиб, бир қадар сўнай деганда йигитнинг оғзидан сув отила бошлади — йигит ҳаётга қайтди! Нафас олишни бошлади. Ҳамма бирдан қарсак чалиб юборди, атрофни хуштак ва ҳайқириқлар овози қоплади. “Хайрият” дедим-у пешонамдаги сувними, терними артиб, турган жойимга ўтириб қолдим. Йигит жонлана бошлагач, атрофимда тумонат одам йиғилганини кўрдим. Кўзим атрофини бошқача кўрар, қулогим ҳам тоғдан тушган одамнинг қулогидай очилиб, ҳар бир товушни аниқ-тиниқ

эшитар эди. Одамни ҳаётга қайтариш, яна ҳамманинг кўз ўнгида, игна билан қудуқ қазишдай гап. Бизнинг “игна” палд бермади, шукур. Ўзимга бўлган ишонч ортгандан-ортиб, касбимга нисбатан меҳрим ҳам ошиб кетди шундан сўнг.



Кўнлар кетидан кўнлар ўтди. Одамлар қутқарувчилар билан дўстона мулоқот қилишар, уни кўриб, завқимга завқ қўшиларди. Бир куни мени бошқармага катта тадбирга чақирашгаётганини, унга оила аъзоларим билан бирга боришимни тайинлашди. Табиийки, бу қақирувдан ҳайратга тушдим. Сабабини ҳеч ким айтмас, аммо аниқ боришим кераклигини қайта-қайта тайинлашарди. Мен, кўрсатма берилганидек, оила аъзоларим билан айтилган кун, айтилган тадбирга келдим. Бирор маданий тадбир бўлса керак, майли, концерт кўриб кетамиз, деб ўтирар эдим яқинларим билан. Аммо тадбир бошлангач, мен ва онам саҳнага қақирилганида, ҳайратим ичимга сиғмай кета бошлади. Шу пайт пойтахтдан келган вазирлик вакили ўша кунги қутқарувда мардонавор ҳаракат қилганимни алоҳида эътироф этиб, ҳаммага мени ўрнак қилиб кўрсатди ва шундай фарзандни тарбиялаганлари учун онамга вазирлик номидан ташақкурнома тақдим этди... Қутилмаган бу эътирофдан тиззала-рим титраб, кўзимда ёш қалқиди ногаҳон. Чунки бу касбий фаолиятимдаги илк эътироф эди мен учун. Йигитча тирик қолганининг ўзи менга муқофотдай татиган эди. Аммо касбдошларимнинг эътибори, онамнинг қувончи секинчимни ўн қаррага оширди. Сизга нега айнан мана шу воқеани айтиб беришни хоҳлаганимни энди тушунгандирсиз...

Сувда қутқарув гуруҳи йўриқчи-қутқарувчиси Вали ҚУРБОНОВ.

ҚУТҚАРУВ МУКОФОТИ

“Агар ёзувчи бўлганимда, ҳар кунимни ҳикоя қилган бўлардим. Чунки бизнинг ҳар кунимиз алоҳида воқеа. Кимдир мендан қутқарув жараёнлари ҳақида сўраса, сизга ухшаб соатлаб гапираман. Мен гапириб, суҳбатдош тинглаб чарчамайди. Бир воқеани айтиб бераман сизга, даҳшат деб юбрасиз, аниқ”.

Қутқарувчи ҳаётидаги энг унутилмас воқеани айтиб бераётгандай тўлиб-тошиб, жараёни деталма-детал тасвирлаб берар, гапира туриб ҳам ўйга толар, ҳам завқланар эди ҳикоясидан. Унинг жўшқин фикрларини бўлмаслик учун мухбир қиз ҳам ортиқча савол бермас, фақат тинглар ва ҳикояни дафтарига қоралаб борар эди.

“Бу воқеага тахминан ўн йиллар бўлди, аслида. Лекин ҳудди кеча бўлгандай эслайман. Май ойи эди. Баҳор аллақачон ўрнини ёзга бўшатиб бераётган кезлар, кўчки, сел каби хавфлар камайиб қолган эди нисбатан. Кўза кунда эмас, кундада синади, деганлариди, кўнлардан бир кун Тўрақўрғон туманига жойлашган Қуйимозор қишлоғига сел келди. Келганда ҳам уйларни ўпириб, одамнинг жони-ю молини оқизиб кетадиган даражада кучли сел.

Ўша пайтлари “UAZ Hunter” номли сел ва кўчки бўладиган тоғли худудларда юрадиган махсус қутқарув машинаси камёб, худудимизда атиги битта эди ва уни бошқариш масъулияти фақат менга топширилганди. Англаганингиздек, ўша пайтлар мен ҳайдовчи-қутқарувчи эдим. Қуйимозорга сел келган куни Чуст туманида жойлашган Ақча қишлоғига қутқарувга кетаётган эдим. Бир пайтнинг ўзида икки қишлоқда сел. Йўлда кетар эканмиз, диспетчердан кўнгироқ келди:

— Тўрақўрғон томонга Косонсойнинг сой оқими келяпти. Оролчада мол боқиб юрган икки бола қолиб кетган. Зудлик билан уларни қутқариш керак.



Хабарни олишимиз билан йўлимизни Тўрақўрғонга қараб бурдик. Чунки ёш болаларни қутқариш ҳамма ишдан муҳим. Қуйимозорга борсак, одамлар ҳар жой-ҳар жойда тўпланган, атрофдан нажот ахтарган, кун у қадар совуқ бўлмаса ҳам қўрқувдан қалтираб туришар эди. Қарасак, селнинг лойқа оқими тез: тош борми, шох-шаббам — ҳамма нарсани оқизиб келарди. Биласизми, сел келганда одамнинг овози шовқинга сингиб кетади, биров бировни эшитмайди. Болалар қаердадир қичқириб ётган бўлса ҳам биз уларни, улар бизни эшита олмаймиз. Аммо қандай бўлмасин, уларни хавфсиз жойга олиб ўтиш керак эди. Вақт шомдан ўтган, бу дегани кун қоронғилашиб қолганди. Бу эса ишимиз аянам қийин бўлади дегани. Чунки нариги томонга — болалар турган ерга ўтиш муаммо. Ҳам оқим тезлиги, ҳам куннинг қоронғилашгани сабаб.

Кўп ўтмай, қутқарувчи шерикларимиз ҳам етиб келишди, арқонлар шайланди, командир кўрсатмасига биноан сел келаётган тарафга қараб юрдик. Режа бўйича болалар турган ерга оқим бўйлаб келиш учун бироз тепароқдан қутқарув арқони билан оқиб келиш, болаларга етгач, уларни арқонга боғлаб, нариги томонга ўтиб олиш лозим эди. Бизни у тарафдан шериклар

тортиб олишини кўзладик. Режани пишитдик. Оқим тезлиги учун арқонни тортиб оладиган томонда қутқарувчиларнинг катта қисми қоладиган, икки киши эса сувга тушадиган бўлди. Шу пайт қутқарувчига шерик бўлиш мақсадида мен отландим. Бизда ҳайдовчи фақат ҳайдовчилик қилади деган тушунча йўқ. Ҳар қандай ходим қутқарувда иштирок этиши керак вазиятга қараб. Мен ҳам вазифамдан келиб қичиб, сувга тушдим. Ҳам совуққонлигим, ҳам тезкорлигим жамоага анча ёрдам берди деб ўйлайман. Раҳбарият берган кўрсатмани ҳудди айтилгандек бажардик. Болаларни соғсаломаат хавфсиз жойга олиб ўтдик.

Уст-бошимиз лой, ҳўл. Аммо бунга ўйлайдиган вақт эмас ҳали. Эсингизда бўлса, биз, аслида, Ақча қишлоғига кетаётган эдик. Ахир у ерга ҳам сел келган. Биз қутқарувчиларга ёрдамимизни бериб бўлгач, дарҳол машинага ўтириб, иккинчи қишлоқ томонга йўл олдик. Ўша воқеадан сўнг мени ҳайдовчиликдан йўриқчи-қутқарувчиликка ўтказишган...”

Наманган вилояти ФВБ махсус вазифаларни бажарувчи қутқарув гуруҳининг йўриқчи-қутқарувчиси Имомиддин ИРИСОВ

Қутқарувчилар ҳикоясини Юлдуз ЎРМОҲОВА оқса кўчирди.

МОЗИЙДАН САДОЛАР

ҲАЙБАТЛИ ТЕПАЛИКЛАР СИРИ



*Ёхўд Соҳибқирон
Амир Темур бобомиз
тузилган макон ҳақида
янги тадқиқотлар*

- Дада, анови қандай тепалик?
- Билмадим, болам...
- Ахир нега билмайсиз?

(Суҳбатдан)

Одам боласи ёши улғайган сари тез-тез ўтмишга қарайдиган, оиласи, уруғ-аймоғи, қишлоғи, юрти ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолар экан. Баъзан гурунгларда кимдир гапни айлантириб: “Бобомнинг чопагон отлари кўп бўлган ёки сурув-сурув қўйлари бўлган”, деб мақтаниб қолади. Гоҳида ичингда унга ҳавасинг ҳам келади. “Хўш, менинг аждодларим ким бўлган, қандай яшаган?” — деб ўз-ўзингга савол берасан. Бу савол тинчингни бузади, кекса кишилардан фурсат топиб суриштирасан, жавоб топсанг, эшитганларингни болаларинг, набираларингга бот-бот сўзлаб берасан.

Аммо жавоб топмасангиз нима қиласиз? Мактабда ўқийдиган набрангизнинг тарих китобини титкилаб кўрасиз. Қадимги Рим, Юнон, Миср тарихига оид рангли суратларни ҳайрат билан томоша қилиб, тарихий маълумотларни ўқиб чиқасиз. Аммо негадир қониқмайсиз, ўзингиз истаган нарсани тополмайсиз...

Қишлоқнинг тоғ тарафида, Самарқанд — Ғузор катта автоўлининг Қашқадарё кўпригига яқинроқ жойда баланд тепалик бор. У менга болаликдан таниш, неча бор қўй боқиб юрганимизда устига чиқиб ўйнаганмиз. Лекин бу қандай тепалик, у қадимда қандай жой бўлган, унда кимлардир яшаганми — билмасдик. Аждодларимиз эса тепаликларга Қиз-тепа, Жангалтепа, Бўритепа, Наймансаройтепа деб ажабтовур номлар қўйишган.

Утган асрнинг 90-йиллари эди. Воҳамиз ижодкорлари билан бўлган учрашувдан сўнг оқсоқол ёзувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг “Турна кўнган қирларда” мақоласида “Қашқадарё шундай макон, унинг қирлари, тепаликларида ёнбошлаб олиб, қисса ва романлар ёзса бўлади”, — деган сатрларни ўқиганман. Бу билан кўпни кўрган ва билган адиб воҳамизнинг ҳали ўрганилмаган ўтмишига ишора қилгандир, балки.

Раҳматли Бибисора аммам айтарди: — Қизилтепада қирқ малак яширинган. Ярим кечада тўйнуқ очилиб, қизлар ташқарига қақади. Гулхан ёқиб, ўйин-кулги қилишдади, тонг оқариши билан яна маконларига беркиниб олишдади. Уларни курган одам жинни ё девона бўлади.

Тарихчи олим Поён Равшанов Қизилтепа ҳақида ёзар экан, бу тепаликда топилган ашёлар орасида аёлларнинг ўсма қўядиган митти идишлари ва бошқа пардоз буюмлари борлигини таъкидлаган. Бир неча йил тепалик атрофида қўй боқиб чўпонлик қилган Равшан бобо эса у ерда олов ёлқинини кўргани ва овозлар эшитганини ҳамон гурунгларда ҳайратланиб сўзлаб юради.

— Эллигинчи йилларнинг охири эди. Мактабни тугатгандим. Чимкўрғон сув омбори қурилиши туфайли қишлоғимиз аҳолисини Жонбўзсойга кўчириш бошланди. Тепаликларни ва бошқа тарихий жойларни ўрганиш учун пойтахтдан шошилинч равишда қадимшунос олимлар келиб, ишга киришди. Қазिश ишларида мен ҳам икки йил ишладим. Ғуруҳ раҳбари Сергей Кабанов деган олим билимдон, ажойиб инсон эди. Эҳ, бу тепаликлардан яшк-яшк буюмларни топиб жўнатганимиз. Сополдан ясалган ҳар хил уй-рўзгор буюмлари, лойдан ясалган турли ҳажмдаги ҳайкаллар, қадимги тангалар, қурол-аслаҳалар топганмиз. Жангалтепадан эса катта бир оиланинг яхши сақланган тобутлари чиққанди, — деб сўзлайди кекса муаллим Ҳасан Равшанов.

Эсабоб қишлоғида яшовчи Саид муаллимнинг уйда меҳмонда эдик. Суҳбатимиз айланиб қишлоқ яқинидаги Қулоқлитепага тақалди. Саид муаллим шундай деди:

— Қулоқлида сир-синоат кўп. Кўпчилик бу ердан яна юз йил ҳам фойдаланса бўладиган кўзалар, хумлар топиб, ҳамон ишлатиб юришибди. Бундан ташқари, бу тепалик ичида кутубхона бўлса керак. Чунки тепаликнинг дарёга тарафи қиялик. Қушларнинг ин қўйиши учун беҳавотир жой. Қушлар уяларидан арабийми, форсийми ё бошқа ҳарфларда битилган варақларни чиқариб ташлашади. Баъзи одамлар бу қорғазларни топиб олиб, “тиллари ўтмагач”, ташлаб юборган.

Кунларнинг бирида манбашунос олим Абдусаттор Жуманазарнинг 2007 йилда чоп этилган “Насаф” номли китоби қўлимга тушиб қолди. Аввало, муаллифнинг илмий маълумотларни ўзига хос содда услубда, оммабоп қилиб ёзгани диққатимни тортди.

Китобдаги мен учун энг қизиқарли жойи “Ниёза” деб номланган боби бўлди. У биз учун болаликдан қадрдонимиз ўша Қулоқлитепа тарихи экан. Бу кутлуғ маскан Насаф вилоятининг шимоли-шарқий чегарасида жойлашган. Дарёнинг шундоққина нариги қирғоғидан Кеш вилояти ҳудуди бошланаркан. Китобда ўрта асрларда бу жойдан бир неча олим ва адиблар етишиб чиққани айтилиб, улар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Муаллиф тадқиқотида бирламчи қўлёзма манбалардан Амир Темур бобомиз Хожа илғор ёки Занжирсойда эмас, балки Ниёза мавзесида туғилгани ҳақида маълумот топади ва уни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилади. Ниёза ҳақида Истаҳрий (X), Нажмиддин Умар ан-Насафий (XII), Абдукарим ас-Самъоний (XII), Ёқут ал-Ҳамавийлар (XII-XIII) маълумотларини беради. Улардан сўнг Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб-ат таворих”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларида Соҳибқирон Амир Темурнинг Ниёзада (Ажиғи) кечган тарихи батафсил ёритилиб ва таҳлил қилинади. Бу асарлар орасида Низомиддин Шомий асари Соҳибқирон бобомиз кўрсатмаси билан ёзилган. Натанзий асарини темурий Искандар Мирзо буюртмаси билан ёзишга киришади. Китоб ёзиб тугатилганда у вафот этган эди ва асар Соҳибқирон Амир Темурнинг кичик ўғли Шохрух Мирзога туҳфа қилиниб, унинг назаридан ўтказилади. Шарафиддин Али Яздий асарини Шохрух Мирзонинг машҳур ўғли Иброҳим Султон хузурида ёзган.

“Аммо, — дейди Абдусаттор Жуманазар. — Хожа Илғор қишлоғи номи бу қимматли манбаларнинг бирортасида учрамайди.

Бу китобларнинг барчаси Соҳибқироннинг ўзи, ўғли ва набиралари назаридан ўтказилиб ёзилган.



Улардаги маълумотлар бирламчи ва ишончлидир.

Ҳанузгача дарслиқларимизда қайта-қайта зикр этилаётган Хожа илғор қишлоғи номи қаердан пайдо бўлди? У фақат XV аср ўрталарида ёзилган Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” асарида қайд этилган. Бу асар Шомий асаридан 34, Натанзий асаридан 25, Али Яздий асаридан 13 йил кейин ёзилган. Аммо Арабшоҳ асарининг бирор ўрнида Ниёза ёки унинг туркийдаги иккинчи номи — Ажиғи зикр этилмаган”.

Буни қарангки, биз юқорида тилга олган Қулоқлитепа, аслида, қадим ўтмишида Ниёза (форсча) ва Ажиғи (туркийча) номлари билан машҳур бўлган тарихий жой экан. Абдусаттор Жуманазарнинг “Насаф” китобида бу жойнинг топилиши воқеалари жуда қизиқарли тарзда батафсил ҳикоя қилиниб, унга оид тарихий манбалар чуқур таҳлил этилган. Ниёзага бағишланган мақола: “Ниҳоят, Хемингўй байлиқ қўлга тушди”, сатрлари билан якунланади. Бу жойи шу тариха 2006 йили илмий асосларда том маънода кашф қилинади ва омма эътиборига етказилади. Чунки шу пайтга қадар Ниёза қишлоғи олимлар томонидан Яккабоғда ё унга яқин ҳудудлардан бирида жойлашгани тахмин қилинарди, кўрсатиларди. Ниёзанинг топилиши ва юзага келган янги вазият Соҳибқирон Амир Темур таржимаи ҳоли ҳамда тарихига ҳам қайтадан жиддий назар ташлашни талаб этаётир. Наҳотки бир марҳум бечоранинг қабр-тошини Соҳибқирон кўтариб машқ қилган “полвонтош”га айлантириш ва бировларни шу каби яна ҳар хил жоҳилона ўтриқларга ишонтиришга уринишда

давом этаверамиз?

Ҳозир Ниёза қалъаси қолдигини маҳаллий халқ “Қулоқлитепа” номи билан атайди. У ер сатҳидан тахминан 25-30 метр баланд, 6-7 гектар майдонни эгаллаган.

Шу ўринда болалиги Чимкўрғон сув омбори остида қолган Наймансарой қишлоғида ўтган марҳум шоир Йўлдошбек Кенжанинг хотираларига қулоқ тут-сак.

— Уйимиз яқинида Тепабобо деган газа бўларди, болалигим шу кенгликларда ўтган, ўшанда етти-саккиз ёшларда эдим.

Жўраларим билан Тўлғоний момонинг уйи ёнидаги тепаликка ўйнагани чиқар эдик. Биз болаларнинг назаримизда тепалик дунёдаги энг баланд жой бўлиб, кўзимизга қудратли, енгилмас кўрғон бўлиб кўринарди.

У — бизнинг митти Ватанимиз эди. Кунларнинг бирида тепаликни бузгани машина ва баҳайбат бульдозерни олиб келишди. Қишлоқ аҳли томошага чиқди. Бобо ва момоларнинг кўзларидан ёш юма-лади. Бульдозер эса тепаликка худди тошбақадек ўрмалаб чиқа бошлади. Шунда кимдир: “Эй, Тепабобо, қароматингни, қудратингни кўрсат!” — дея ҳай-қириб юборди.

Кейин эса бирдан бульдозер кўринмай қолди. Одамлар тепаликка қараб чопишди. Трактор тепаликдан очилган улкан тўйнуқ оғзида муаллақ турар, унинг ҳайдовчиси эса кабина ичида ҳўшсиз ётарди. Ҳайдовчини бир амаллаб тортиб олишиб, шифохо-нага олиб кетишди. Бульдозер эса тепалик оғзида узоқ муддатта “асир”лиқда қолди.

Кунларнинг бирида тепалик устида ўйнаб, беҳос-дан унинг ичига тушиб кетдим. Жўраларим отамга хабар бергани қишлоққа чопиб кетишди. Мен эса, билсангиз, ўзга бир дунёга тушиб қолгандек эдим. Улкан сарой, деворларда турли расмлар, буюмлар, ҳайкалчалар турарди. Дарё тарафга кетадиган йўлакка эса тош тўшалган. Отам келиб, менга арқон ташлаб тортиб олди. Мен тепалик ичида кўрганларни уйдагиларга, дўстларимга сўзлаб бердим. Кейинчалик шу тепаликда текшириш ишлари олиб борган С.Кабанов, З.Усмонова, Т.Аъзамхўжаеваларнинг асарларидан мен болалигимда кўрган сарой маҳобатли Сўғд иморати эканлигини билдим. Демак, болалик тасаввурларим мени алдамаган экан.

Қашқа воҳасининг ўрта қисмидаги қадимий манзиллар 1971 йилда яна текширувдан ўтказилди ва қадим аждодларимиз томонидан ясалган кўплаб осори-атиқалар топилди. Айниқса, Жангалтепадан топилган болаларнинг сут эмизишига мўлжалланган, биқинида жўмрағи бўлган митти эмизиклар диққатга лойиқ эди.

Шу топилманинг ўзи ҳам аждодларимизнинг болалар тарбиясига катта эътибор беришини ва болажон бўлганини кўрсатади. Шунингдек, Чокартепа, Дўстбердитепа, Байрамтепа, Қоратепа, Ирзотепа, Ойдонатепапар ҳам ўтмишимиздан кўплаб сир-ас-рорларни ўз бағрига олгани билан муҳимдир. Қадимшунос олимларнинг таъкидлашича, биргина Қа-маши тумани ҳудудида 32 та илмий-тарихий аҳа-миятга молик тепаликлар мавжуд экан.

Ҳа, юртимизнинг исталган жойига борсангиз, албатта, тарихимизга дахлдор жойларга дуч келасиз. Бу маконларнинг кўпчилиги илмий жиҳатдан етар-лича ўрганилмаган. Тадқиқотлар олиб борилган маконлардан эса нималар топилган, уларнинг тарихий аҳамияти қанча, бундан кўпчилик беҳабар. Бу жой-ларни ўрганган олимларнинг таъкидлашича, биргина Қа-маши тумани ҳудудида 32 та илмий-тарихий аҳа-миятга молик тепаликлар мавжуд экан.

Шу ўринда бир мулоҳаза юритсак. Юртимиз тари-хига оид оммабоп китоблар нега мактаб ва олий ўқув юртларида ўрганилмайди? Агар шундай хайрли иш-лар амалга оширилса, ёшлар тарихимизни яхшироқ билган ва Она Ватанимизга меҳр-муҳаббатни, қизи-қиши янада ортиши тайин.

Мисрликлар аждодлари яратган эҳромлари би-лан неча-неча юз йилликлар оша дунё аҳлини ҳай-ратга солиб келмоқда. Бизнинг аждодларимиз бунёд этган ҳайбатли тепаликлар ҳам ўзининг сир-синоати ва узоқ кечмиши билан миср эҳромларидан асло кам эмас.

Ўролбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

ХОРИЖ

ҲАЖГА БОРИШ УЧУН ТЎСИҚ


Дунё мусулмонлари Маккаи мукаррамада — муқаддас Ҳаж арконла-рини бажариш учун йиғилган бир вақтда Исроил кетма-кет учинчи бор Ғазо аҳолисининг ушбу амалини адо этишига тўсқинлик қилмоқда, дея хабар берди “Al Jazeera” телеканали.

Ҳанан ал-Хамс 2024 йилда 3000 нафар фаластинлик билан биргаликда Ҳаж зиёратига йўлга тушиши керак эди. 2023 йил 7 октябрь куни бошланган вайрон-кор уруш ортидан у ислом дини-нинг бешинчи фарзини адо этиш имконидан маҳрум бўлди.

Аднан Абу Фул ва унинг ра-фикаси Умму Иброҳим муқаддас Каъбани тавоф қилаётган зиё-ратчиларни уяли телефоннинг мўъжаз экранидан томоша қилар экан, кў-эшларини тиёлмади.

Ғазо вақф ва дин ишлари бўйича вазирлиги маълумотига қараганда, Ис-роил Миср билан чегарадош Рафаҳ назорат-ўтиш пунктини ёпиб қўйгани са-бабли, сўнгги уч йил мобайнида 10 мингдан зиёд фуқаро Ҳаж амалини ба-жара олмади.

2026 йил май ойда Фаластин сиёсий тадқиқотлар маркази ўтказган тад-қиқотда Исроилнинг Ғазо аҳолисига Ҳаж ва Умрани адо этишга тўсқинлик қи-лаётгани иқтисодий геноцид деб аталган.



ХАЛҚАРО ИНТЕРНЕТ ҚАЙТА ОЧИЛАДИ

Эрон президенти Масъуд Пезешкиён мамлакатда халқаро интернет тармоғига киришни тиклаш бўйича топшириқ берди.

Эроннинг “Fars” агентлиги ха-бар беришча, мазкур қарор ин-тернетдан фойдаланишни қўла-б-қувватлаган махсус ишчи гуруҳ йиғилишидан кейин қабул қилинган. Айти пайтда чеклов-лар қачон тўлиқ бекор қилиниши бўйича аниқ сана айтилмаган.

Аввалроқ, май ойи ўртасида Эрон ОАВ интернет чекловлари 5 июндан бошлаб бекор қилиниши мумкинлигини маълум қилган эди.

Маълумотларга кўра, интернет чекловлари, айниқса, онлайн савдо билан шуғулланувчи аҳолига жиддий иқтисодий зарар етказган. Тахминан 1 мил-лионга яқин фуқаронинг даромади кескин камайган.



МИГРАНТЛАР УЮШГАН ҲОЛДА ЁЛЛАНАДИ

Россия президенти Владимир Путин мамлакатда ишлаш учун Тожи-кистон фуқароларини уюшган ҳолда ёллаш тўғрисидаги янгиланган би-тимни тасдиқлади.

Битимга ўзгартиришлар ки-ритиш ҳақидаги протокол 2025 йил 9 октябрь куни Душанбе шаҳрида имзоланган эди. Ҳуж-жат Тожикистондан келаётган меҳнат мигрантларини ҳар икки мамлакат ҳудудида Россия касб-хунар дастурлари бўйича тайёр-лашни кўзда тутади.

Шунингдек, Россияда ишлаш истагида бўлган Тожикистон фу-қаролари ўз ватанида дактилос-копия (бармоқ изи топириш), суратга тушиш ва тиббий кўрикдан ўтиши мумкин бўлади. Бунинг учун Россия Душанбеда ИИВ ваколатхонасини ва ушбу ишларни мувофиқлаштирувчи ташкилотни ишга туширади. Ушбу қа-рор Тожикистондан мигрантларни уюшган ҳолда олиб келишни рабатлан-тириш, уларга муносиб, қонуний ҳамда хавфсиз меҳнат шaroитларини таъ-минлашга қаратилган.

Путин 2025 йилнинг кузига Россияда Тожикистоннинг миллиондан ортиқ фуқароси ёки республика аҳолисининг 10 фоизи яшаётгани ва ишлаётга-нини айтганди.

Путиннинг таъкидлашича, ушбу мамлакатдан келганлар қурилиш, комму-нал хўжалик, транспорт ва логистика соҳаларига фолал жалб этилиб, Россия иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.



УНИВЕРСИТЕТНИ ЁПИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдоған Истанбулдаги хусусий Билги университетини ёпиш ҳақидаги фармонни талабалар норозили-гидан кейин бекор қилди. Бу ҳақда “Haberler” хабар берди.

Университет фаолиятини тўх-татиш ҳақидаги қарор 21 май куни имзоланган бўлса, уни бе-кор қилувчи янги фармон 24 май куни Туркия ҳукуматининг рас-мий газетасида эълон қилинган. Расмийларга кўра, либерал қарашлари билан танилган уни-верситетни ёпиш қарори мам-лакатнинг олий таълим тўғри-сидаги қонунининг 11-моддаси асосида қабул қилинган. Мазкур норма университетларро кен-гаш фаолиятини тартибга со-лади. ОАВ эса қонунда таълим сифати етарли бўлмаган хусусий олийгоҳ-ларни ёпиш имконияти ҳам назарда тутилганини ёзмоқда.

Талабаларни давлатга қарашли Мимар Синон номидаги тасвирий санъат университетига ўтказиш режалаштирилган эди. Шунингдек, Билги универси-тети таъсисчи жамғармаси ташқи бошқарувага топширилгани ҳам айтилган.

УРАН БЎЙИЧА ЯНГИ БАЁНОТ

АҚШ президенти Дональд Трамп Эрон ихтиёридаги бойитилган уран захиралари ёки АҚШга олиб кетилиб, у ерда йўқ қилиниши, ёки АЭХА назорати остида жойида бартараф этилишини маълум қилди.

У ўзининг “Truth Social” ихти-моий тармоғида қолдирган баё-нотида Эрон уранини мамла-кат ҳудудидан ташқарига олиб чиқмасдан туриб йўқ қилиш энг мақбул вариант эканини эълон қилди. Трамп шу билан бирга бо-йитилган урани “ядровий чанг” деб атаган.

АҚШ ва Исроил Эроннинг яд-ровий дастурини мамлакатга қарши ҳарбий ҳаракатларнинг асосий сабабларидан бири си-фатида кўрсатмоқда. Вашингтон маълумотларига кўра, Техрон ҳозирда 60 фоизгача бойитилган 440 килог-раммдан ортиқ уран захирасига эга.

Мутахассислар фикрича, ушбу уран қисқа муддат ичида 90 фоизгача бо-йитилиши мумкин ва бу уни ядровий қурол ишлаб чиқариш учун яроқли ҳо-латга келтиради.



Интернет хабарлари асосида
Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ тайёрлади.

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ



Халқимизни меҳр-оқибатга, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик сингари ўзига
хос эзгу фазилатларга ундаб келаётган хайру саховат, тинчлик ва саодат
рамзи бўлган муборак

ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ
билан қутлайди.

Юртимиз янада обод, турмушимиз бундан-да
фаровон бўлаверсин!



✓ **ЁД ЭТИБ**

“ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ”нинг давоми

Газеталар биносида устоз адиб Саид Аҳмадга рўпара келиб қолдим. Саломлашдик.

— Ёшариб кетибсиз, Саид Аҳмад ака, кўринишдан гирт навқирон йигитлардан фарқингиз йўғ-а! — дедим астойдил ҳайратланиб.

Саид Аҳмад ака зумда жавоб топди:

— Кўринишим — бор-йўғи муқова, у ёғини суриштирма!

Гаштак аъзолари йиғила бошлашди. Ҳамманинг оғзида куни кеча Японияда содир бўлган даҳшатли цунами офати. Офат қанчадан-қанча одамнинг ҳаётига зомин бўлгани.

— Яхшиям бизда денгиз йўқ, — деди донишмандларча босиқлик билан Ўткир ака Ҳошимов.

Анвар Обиджон лўқма ташлади:

— Биттагина денгизимиз бор эди, ўшани ҳам цунамисиз қуритдик.

Республика миқёсидagi бир амалдорга шахсий юмуш юзасидан илтимос қилишга тўғри келди. Барака топгур, сўзимни икки қилмади.

— Эртага эрталаб хабар олинг, — деди бамайлихотир.

Эртасига эрталаб бордим, амалдорнинг ёрдамчиси ўзим истаган ҳужжатни тахт қилиб қўлимга тутқазди. Ҳаяжонда раҳбарнинг ҳузурига кирдим, миннатдорлик билдирдим, камига ўзимнинг янги чиққан китобимдан бир нусха ҳадя қилдим. Раҳбарнинг авзойи ўзаргандек бўлди.

Китобнинг у ёқ-бу ёғига кўз югуртирди-да, авзойи ўзгариши сабабини салимий ошкор қилди:

— Сизнинг илтимосингизни битириб берганим етмагандай, энди китоб ҳам ўқийманми?!

“Фан ва турмуш” журнали тахририятида кўп йил ишлаган Иброҳим Назирий исмли кекса ходим кексалик нафақасига чиқаётиб, ҳужжатларни расмийлаштиришга киришди. У киши шоир Усмон Носирнинг яқин ошниси сифатида 1937 йилда аввал қамалган, сўнг кўп йиллик сургунда жазо муддатини ўтаганди.

— Домла, бир неча кундан буён елиб-югуриб юрибсиз, ҳужжатлар тахт бўлаёздими? — сўраб қолди ҳамкасбимиз Рустам Обид.

Иброҳим Назирий хуноби чиқиб турган экан, зардасини яширолмади:

— Сургундан қайтишда ҳам бунча ҳужжатбозлик бўлмаганди, ука, бу редакцияда шу-унча йил ишлаб, оёғимга битта пайтава олган бўлмасам?!

Қиш. Совуқ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловлар бошланиб кетган. Партия-мизнинг бир гуруҳ фаоллари билан дастлабки натижалар, имкониятлар муҳокама қилинмоқда.

— Мени Олмалик шаҳар округидан қўйишибди, — деди Ўткир Ҳошимов ўпқаланиб, — у томонда, асосан, русийзабон сайловчилар яшайди, бу аҳволда бизнинг ишимиз нима бўлади, билмай қолдим-да!

Фирқадошимиз, сирдарёлик Маматқул Бозорбой ҳозиржавоблигини намойиш қилди:

— Хавотирингиз асосли, Олмалиқдан Ўткир Ҳо-



шимов тугул, Абдулла Қодирий ҳам ўтолмайди, ака.

Ўтган асрнинг 80-йиллари. Латвиядан таширф бюрган уч нафар ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг хонадонига меҳмон бўлишди. Кечки таом ўрнида лаганга уюб сузилган паловхонтўра дастурхонга қўйилади. “Олинг-олинг” бошланади. Бироқ меҳмонлар лаганга деярли қўл узатишмас, улар, асосан, “ўттизта-ўттизта”ни қиздириб юборишади. Ичкиликка унчалик ҳуши бўлмаган Худойберди ака эса, ҳаёл измида, бир ўзи ошдан бош кўтармайди.

Эрталаб Худойберди ака салимий гап очади:

— Тўни билан ухломмадим, — дейди адиб меҳмоннавозлик билан, — кеча оқшом мутлақо овқат емадинлар, ётишдан аввал ҳам одам шунчалар ичадими, деб хавотир олиб ётдим.

Салимийликда меҳмонлар ҳам мезбондан қолишмас экан.

— Биз ҳам ухлагандай бўлмадик, — дебди улардан бири, — одам ҳам ухлаш олдидан шу-унча ош ейдими, деб тўни билан сиздан хавотир олиб ётдик.

Шодмон Отабекнинг фарзандлари янги уй-жой қуришгани муносабати билан ихчамгина “ховли тўйи”га тақлиф этилдик.

— Ўғиллар барака топсин, — дея лутф қилдилар Эркин ака Воҳидов, — чиройли уйларда чиройли тўйлар бўлсин.

— Уч ўғлим бор, — деди Шодмонбек ака, — болалигидан қаттиққўллик билан тарбия қилганман. Сўрамасдан кўчага кетса, камар билан аёвсиз савалаган пайтларим ҳам бўлган. Яхши ижодкор-рассом бўлишгани боиси шунда.

Суҳбатга Аҳмаджон Мелибоев хулоса ясади:

— Ўша камар дадангизда бўлмаган экан-да, Шодмонбек!

Вилоят сафаридамиз. Ҳаво тунд. Тушлиқдан сўнг богда сайр қилдик. Ҳар ким ўз ҳаёли билан банд.

— Кўёш чиқса, ҳаво очилиб кетарди-да, — деб қолди тўсатдан осмоннинг авзойидан кўз узмай Ўткир Ҳошимов.

Иброҳим Ғафуров ўткир нигоҳларини Ўткир акадан узмай қараб турди-турди-да, жуда вазминлик билан савол қотди:

— Ўткиржон, табиатнинг шу-ундай ҳикматларини қаердан биласиз?

Ўткир Ҳошимов жавобни қотирди:

— Сиз ёзган китобларни ўқиганимиз-да, ака.

Таниқли адиб ва таржимон Шодмон Отабек кашф этган “Дўрмон ҳангомалари” туркуми ниҳоятда кенг оммалашди. Адабиётимизда из қолдирди. Ушбу туркумнинг давоми сифатида қоғозга туширилган хотиралар айни кунлар таваллудининг 80 йиллиги нишонланаётган ака-дўстимизнинг азиз хотирасига бағишланди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Чорбоғдаги ёзувчилар дала боғида эрталаб бошланган ижодкорлар орасида шахмат мусобақаси якунланиб қолаёзди. Шомга яқин республика шахмат федерацияси раиси, таниқли жамоат арбоби Аъзам Ғадойбоев ғолибларни тақдирлаш мақсадида келиб қолди. Бир муддат бурун Жиззахдан келган шахмат мухлиси каминга мурожаат қилган, уч киши ўйнайдиган шахмат ихтиро қилгани, лекин бу гоёни ҳеч ким, ҳатто шахмат федерацияси мутасаддилари ҳам қўллаб-қувватламаётганидан арзи ҳол қилганди. Шу мурожаатни эслаб қолдим-у, вазиятдан фойдаланиш ниятида Аъзамхон акани четга тортдим:

— Ака, уч киши донга сурадиган шахмат жуда қизиқ гоё, ходимларингизга айтинг, бир шуғулланиб кўришин.

Федерация раисининг таъби айнаиди.

— Очигини айтаман, — деди у сирли равишда. — Ўзим ҳаётда шахмат ўйнамаганман. Федерациянинг молиявий ахволи ҳаминқадар. Ўзи икки кишилик шахматни эплломай турибмиз-у, уч кишилик ўйинни овоза қилмай турайлик.

Олий Мажлисида Ўткир Ҳошимов Ахборот қўмитаси раиси сифатида Япониядан таширф бюрган меҳмонларни қабул қилаётганди. Ёз, ҳаво иссиқ, баланд ва катта ҳашаматли эшиклар ланг очилган. Тўсатдан кўшни хонадан қўмита раиси ўринбосари Ғайрат аканинг телефондан шовқин солиб баралла бўғилиб гапиргани тинчликини бузди. Мезбонлар, уларга қўшилиб меҳмонлар ҳам хижолат. Ғайрат аканинг бўғиқ, бунинг устига, зардали товуши ҳадемай тина қолмасди.

Хижолатда қолган Ўткир ака вазиятни юмшатиш умидида меҳмонларга тушунтиришга киришди:

— Кечирасизлар, ходимимиз Қўқон шаҳри билан гаплашаётганди, ҳозир тугатади...

Шунда япониялик меҳмон ҳайрон бўлиб савол қотди:

— Қўқон билан... Нима, сизларда телефон йўқми?..

Шахмат шинавандаларининг навбатдаги “анжумани” учун ёзувчи Шодмон Отабекнинг Хумсондаги дала ховлиси танланди. Икки томон тоғ, қир-адир, этак томондан қишин-ёзин шарқираб оқиб ўтадиган Угом дарёсининг шовқини тинмайди. Эркин Воҳидов, Мирпўлат Мирзо, Хуршид Дўстмуҳаммад ва Ҳабиб Темир минган сут ранг “Dons” Ғазалкент бозори ёнига бориб тўхтади.

— Жуда файзли бозор, кирасиз-у, нима керак

бўлса, муҳайё, оласиз-у, йўлингизда давом этаверасиз!

Карвонбоши Эркин аканинг шу бир оғиз лутфи дўстларнинг кайфиятини кўтариб юборди. Бозор-ўчар қарийб бир соатдан мўлроқ давом этди: ҳам харажат, ҳам ҳазил-мutoйиба, ҳам аския-қаҳқаҳа қизгандан-қизиди.

Машинанинг юкхонаси “бўғзи”гача тўлдирилди, бу ёғи Хумсонга қанча барвақт борилса, бас!

Катта йўлга чиқиб олмасимиздан Мирпўлат ака: “Ишлар битди, Отабоевни хотиржам қилиб қўяй”, деди-да, рақам теришга киришди. Отабоев телефонни зумда олди. Саломлашдилар.

— Кеп қолдингларми? Яхши-да, харажат нима бўлди? — сўради Шодмонбек ака.

— Шуниси ўхшамади-да, — деди жиддий тортиб Мирпўлат ака. — Ғазалкент бозорига кирдик, аксига олиб, дўхтирлар муҳрлаб кетибди.

— Бозорними?

— Бозорни.

— Ия, ҳаётда бўлмаган-а бунақаси!

— Биз ҳам ҳайронмиз. Ўзингиз рўзгордаги масаллиқлар билан амалласангиз...

— Амаллашга амаллайман-а, лекин кам-қўстига олиш керак-да, Мирпўлат!

— Кам-қўстига нима олайлик, айтинг?

— Ҳабиб Темирга айтганман, битталаб ёзиб олган.

— Ҳабибулла ўша сиз айтган рўйхатни уйида унутиб қолдирибди.

— Хўп, ёзинг: ярим кило думба ёғи, бир баклажка писта ёғи, пиёз, гўшт — қўй гўшти, сабзи, саримсоқ пиёз...

— Айтаверинг. Зиравор...

— И-и-и, зира эсдан чиқмасин, зира!

— Сув билан туз-чи?

— Зира жуда зарур, туз билан сув ҳар эҳтимолга қарши...

— Рўзгорда ҳеч нарса қолмаган экан-да, Отабоев? Ҳабиб Самарқанддан кела туриб тарвуз олибди.

— Қовун-чи?

— Қовун топилмабди.

— Самарқандда қовун қолмабдими? Бемазанинг топган гапини қаранг!

— Қовун ҳам майли, Хуршид билан Ҳабибда пул йўқ эмиш!

— Ия! Вой! Шундан-шунга пулсиз келадими, кап-катта одамлар?!

— Отабоев бир акалик қилса, деган ўйда келаверишган-да! Ҳар иккови бир партиядан шахматда ютқазиб берармиш!

— Икковиға айтинг, бир партия билан иш битмайди! Бу гапларни Эркин ака эшитмасин.

— Телефонда овозингизни ҳаммамиз эшитяп-



миз, бемалол ўзингиз айтаверинг!..

Бу орада тўртовлон минган, юкхонаси масаллиққа тўла машина Хумсон гузаридан анча илгариллаб қўйганди...

“Ёш куч” журнали тахририятига бир йигит кириб келди. Қашқадарёдан экан. Тошкентта биринчи марта келиши, футболчи бўлиш оразисда Чилонзордаги футбол интернатига келибди. Бирок уни интернатга қабул қилиш у ёқда турсин, дарвозадан ичкарига йўлатишмабди ҳам.

Интернатга бир неча қайта кўнғироқ қилдим. Фойдаси бўлмади. Шу пайт бош муҳарриримиз Худойберди Тўхтабоев келиб, тушликка тақлиф қилдилар. Ёнимга меҳмон йигитни олиб, устозга эргашдик. Лифтга яқин борганимизда Худойберди ака “Бу йигит ким?” деган мазмунда ёнимдаги йигитга бош-оёқ разм солдилар. Мен вазиятни тушунтириб айтдим. Назаримда, Худойберди ака ҳозирнинг ўзида хонага қайтадилар-у, футбол интернатига кўнғироқ қилиб, муаммони ҳал қиладигандек.

Гапимни диққат билан тинглаган Худойберди ака меҳмон йигитга қайта бош-оёқ нигоҳ югуртирди. Қайси вилоят ва қайси тумандан келганини сўради. Йигит айтди.

— Онанг нима овқат қилиб беради?

Устознинг қутилмаганда берган саволи йигитни доводирати қўйди. У бир зум ўйлаб қолди-да, бўшашибгина жавоб қайтарди:

— Мошхўрда...

Худойберди ака бирдан ва кескин бош чайқай-чайқай деди:

— Йўқ, йўқ, Марадона мошхўрда ичмаган. Қишлоққа боргин-да, бошқа ҳунар қил. Тушундингми? Марадона мошхўрда ичиб тўп телмаган!..

Дўрмон ижод уйи. Шахматчи адиблар ўртасидаги навбатдаги “жанг” қизиган палла. Бош ҳакам Маҳмуджон ота Юнусов рақиблиарни тахта ёнига чорлади:

— Мирпўлат Мирзо ва Хуршид Дўстмуҳаммад — учинчи стоп!

Столга яқин келган Мирпўлат Мирзо ҳакамга қарата баралла мурожаат қилди:

— Маҳмуджон ота, ким — оқ, ким — қора?

Шодмон Отабек яйраб қулиб юборди:

— Мирпўлат, кап-катта шоирсиз, Хуршид билан ўзингизни солиштиринг, ким оқ ё қора эканлигини эълон қилиш шартми?!

✓ **ҲАДИС**

Каъбага ниёда боришини аҳд қилган киши ҳақида

Анас ибн Молик розияллоху анху ривоят қиладилар: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам икки ўғлининг ўртасида уларга суяниб кетаётган бир чолни кўриб: “Бу кишига нима бўлган?” — дедилар. Ўғиллари: “Макага ниёда боришини аҳд қилганлар”, — деб айтишди. Жаноб Расулulloҳ: “Аллоҳ таоло бу кишининг ўзини-ўзи азоблашидан беҳожатдир, уловга миниб борсин!” — дедилар”.

Укба ибн Омир Жуҳаний розияллоху анху ривоят қиладилар: “Синглим Байтуллоҳ (Каъба)га яёв боришга аҳд қилиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламдан бу ҳақда фатво сўраб беришимни илтимос қилди. Мен Жаноб Расулulloҳдан фатво сўраган эдим: “Яёв ҳам юрсин, улов ҳам минсин!” — дедилар”.

“Саҳихи Бухорий”дан.

✓ **ҚУТЛОВ**

Biznesni Rivojlantirish Banki



QURBON NAVITI muborak bo'lsin!



Zamonaviy va qulay
xizmatlar siz uchun!

brb.uz 1254

Hurriyat
Mustaqil gazeti



Муассис:

Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 4424
Буюртма — Г-544

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22³⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91

Тел-факс: (71) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2183-0680



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзиллими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусахҳиш: Зўҳра Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.